

IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2018 йил январь–июнида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми миллий валютада 1 564,0 млрд. сўмни (АҚШ доллари эквивалентидаги ҳажми – 0,2 миллиард АҚШ долларини) ёки 2017 йилнингмос даврига нисбатан ўсиш суръати 96,0 фоизни ташкил қилди.


Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши (2018 йил январь–июнь)

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	1 564,0	96,0	100,0
<i>шу жумладан</i>			
Марказлашган инвестициялар:	200,0	131,4	12,8
бюджет маблағлари	48,0	45,1	3,0
бюджетдан ташқари фонdlар	66,2	169,9	4,2
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	85,4	12м	5,5
Марказлашмаган инвестициялар	1 364,0	92,4	87,2
корхоналарнинг ўз маблағлари	550,2	96,9	35,2
аҳоли маблағлари	403,4	88,0	25,8
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	36,0	23,8	2,3
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	374,4	443,2	23,9


Давлат бюджетидан ажратилган инвестициялар ижтимоий соҳани ва ҳаётий таъминот тизимини қўллаб қувватлашга, Фарғона вилояти инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган манзилли инвестиция дастурларини амалга ошириш учун йўналтирилган.

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва
марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари**
(январь-июнь, фоиз ҳисобида)

2017 й.



2018 й.



2018 йилнинг январь-июнида асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби


	Жами	шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:	
		давлат	нодавлат
Жами инвестициялар, млрд.сўм	1 564,0	277,8	1 286,2
<i>шу жумладан молиялаштириши манбалари бўйича:</i>			
давлат бюджети маблағлари	48,0	25,4	22,6
давлат мақсадли жамгармалари маблағлари	66,2	65,1	1,1
корхоналар ва аҳоли маблағлари	953,6	100,8	852,8
чет эл инвестициялари ва кредитлари	121,3	85,3	36,0
банк кредитлари ва бошқа карз маблағлари	374,4	0,7	373,7
Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси маблағлари	0,5	0,5	0,0

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича
асосий капиталга киритилган инвестициялар**

	Январ–июнь			
	2017 й.	умумий ҳажмга нисбатан фоизда	2018 й.	умумий ҳажмга нисбатан фоизда
Жами, млрд.сўм	1 357,5	100,0	1 564,0	100,0
<i>шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	99,5	7,3	137,4	8,8
тоғ–кон саноати	6,8	0,5	29,4	1,9
ишлиб чиқариш саноати	216,3	15,9	253,7	16,2
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	28,1	2,1	31,2	2,0
сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	20,0	1,5	90,1	5,8
курилиш	99,4	7,3	66,4	4,2
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	82,2	6,1	86,5	5,5
ташиш ва сақлаш	100,4	7,4	85,0	5,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	16,7	1,2	16,9	1,1
ахборот ва алоқа	66,9	4,9	18,1	1,2
молиявий ва суғурта фаолияти	22,5	1,7	7,6	0,5
профессионал, илмий ва техник фаолият	19,0	1,4	20,8	1,3
таълим	31,2	2,3	47,8	3,0
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	26,1	1,9	60,2	3,8
Бошқа иқтисодий фаолият турларидан ташқари: туар – жой бинолари қурилишига инвестициялар	451,1	33,2	525,6	33,6
санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	16,6	1,2	18,5	1,2
бошқа фаолият турлари	57,7	4,1	68,8	4,5

Иқтисодий фаолият турлари бўйича тоғ–кон саноатида – 29,4 млрд. сўм (жами инвестициялар хажмида 1,9 фоиз), шундан хом нефть ва табиий газ қазиб олиш – 10,2 млрд. сўм (0,7 фоиз), ишлаб чиқариш саноатида – 253,7 млрд. сўм, (16,2 фоиз) шундан озиқ–овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари – 59,2 млрд. сўм (3,8 фоиз), тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим – 48,0 млрд. сўм (3,1 фоиз), кимё маҳсулотлари – 17,0 млрд. сўм (1,1 фоиз), нометалл минерал маҳсулотлар – 61,7 млрд. сўм (3,9 фоиз), металлургия – 1,5 млрд. сўм (0,1 фоиз), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 31,2 млрд. сўм (2,0 фоиз), қурилиш – 66,4 млрд. сўм (4,2 фоиз), ташиш ва сақлаш – 85,0 млрд. сўм (5,4 фоиз), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш – 86,5 млрд. сўм (5,5 фоиз), ахборот ва алоқа – 18,1 млрд. сўм (1,2 фоиз), профессионал, илмий ва техник фаолият – 20,8 млрд. сўм (1,3 фоиз), таълим – 47,8 млрд. сўм (3,0 фоиз), бошқа иқтисодий фаолият турларидан ташқари: турар жой бинолари қурилишига – 525,6 млрд. сўмлик (33,6 фоиз) инвестициялар ўзлаштирилди.

Киритилган инвестицияларда катта улушга эга бўлган соҳалар (январь-июнь ҳолатига, фоизда)



Асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар.


2018 йил январь–июнь ойларида асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий ҳажми 121,3 млрд.сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 76,7фоизни ташкил қилди.

Асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг таркиби (2018 йилнинг январь–июнида)

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоизда	
		давлат кафолати остида	тўғридан-тўғри ва бошқалар
Жами асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитлар	121,3	70,3	29,7
<i>шу жумладан:</i>			
давлат	85,3	70,3	0,0
нодавлат	36,0	0,0	29,7

Ҳисобот даврида Фарғона вилоят бўйича тўғридан – тўғри хорижий инветиция ва кредитларнинг, жами хорижий инвестиция ва кредитлардаги нодавлат секторига киритилган улуши 29,7 фоизни ташкил қилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (январь-июнь, умумий ҳажмга нисбатан, фоизда)



Хорижий инвестиция ва кредитларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича салмоқли қисмининг ўзлаштирилиши сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йифиш ва утилизация қилишга тўғри келиб, жами инвестиция хажмида – 69,7 фоизни ташкил қилди ва 2017 йилнинг январь–июнъ ойларида ойларига нисбатан 47 мартаага ўсди.

Шу билан бирга, куйидаги иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилиши камайганлиги кузатилди: ишлаб чиқариш саноатида – жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 13 фоизни, (2017 йилнинг мос даврига нисбатан 76,9 фоиз), Ахборот ва алоқа соҳасида – жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 13,2 фоизини (2017 йилнинг мос даврига нисбатан 25 фоиз) ташкил қилди.

Ижтимоий соҳа обьектларини қуриш

Уй–жой қурилишида 324,7 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ёки жами инвестициялар хажмининг 20,8 фоизини ташкил қилди.

2018 йилнинг январь-июнида янги қурилиш ва реконструкция ҳисобидан фойдаланишга топширилган турар–жой вайжтимоий соҳаобъектлари

	<i>Барча манбалар ҳисобидан</i>			
	<i>фойдаланишга топширилди</i>		<i>2017 йил январь-июнига нисбатан фоизда</i>	
	<i>жами</i>	<i>шу жумладан қишлоқ жойларда</i>	<i>жами</i>	<i>шу жумладан қишлоқ жойларда</i>
Уй–жой, умумий майдони минг.кв.м	450,0	282,0	95,2	71,1
ундан:				
якка тартибдаги уй–жойлар	419,3	251,3	98,5	77,2
якка тартибдаги уй–жойлар намунавий лойиҳалар бўйича шаҳар ва қишлоқ жойларда	30,7	30,7	64,9	70,2
Касалхоналар, ётоқ ўрни	-	-	-	-
Умумий таълим ва маҳсус мактаблар, ўқувчилар ўрни	240	240	-	-
Сув тармоқлари, км	116,6	111,5	76,5	86,0
Газ тармоқлари, км	59,2	59,1	358,8	-

2018 йил январь–июнида умумий майдони 450,0 минг кв.м. бўлган 3 483 мингта уй ёки 3483 мингта квартира (2017 йилнинг январь–июнига нисбатан 95,2 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 282,0 минг кв.м. (71,1 фоиз) уй–жой фойдаланишга топширилди.

Коммунал қурилишда 116,6 км сув тармоқлари (111,5 км қишлоқ жойларда) ва 59,2 км газ тармоқлари (59,1 км қишлоқ жойларда) ишга туширилиб, сув тармоқлари 2017 йилнинг январь–июнига нисбатан 76,5 фоизни, қишлоқ жойларда эса бу кўрсаткич 86,0 фоизни ташкил қилди.

Касалхоналар, амбулатория – поликлиника муассасалари ва қишлоқ врачлик пунктлари, олий таълим муассасалари, лицей ва касб–ҳунар колледжлари, умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни қуриш ва капитал реконструкция қилишга инвестициялар ўзлаштирилмади.

Сув тармоқлари қурилишига 1 125,3 млн. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 1 125,3 млрд. сўм (100,0 фоизи) ўзлаштирилди.

Газ тармоқлари қурилишига 297,9 млн. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 297,9 млрд. сўм (умумий ҳажмнинг 100,0 фоизи) ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти

2018 йил январь–июнида 1 204,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2017 йилнинг январь–июнига нисбатан 107,7 фоизни ташкил этди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари таркиби


	январь–июнь	
	2017 й.	2018 й.

Қурилиш ишлари, млрд. сўм	900,5	1 204,8
---------------------------	-------	---------

шу жумладан улуши, фоизда:

давлат	2,7	1,4
нодавлат	97,3	98,6

Қурилиш ишларини мулкчилик шакллари бўйича кўриниши (январь-июнь, фоиз ҳисобида)



Мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги қурилиш ташкилотлари томонидан 1 187,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари хажмининг 98,6 фоизини ташкил қилди.

Ҳисобот даврида Фарғона вилояти бўйича жами қурилиш ишлари хажми 1 204,8 млрд. сўмни, ундан нодавлат секторининг улуши 98,6 фоизни ташкил қилиб, бу кўрсаткич Фарғона шаҳрида 95,5 фоизни (2017 йилнинг мос даврига нисбатан 0,2 фоизга кўпайган), Фарғона туманида – 97,8 фоизни (0,1 фоизга ошган) ташкил қилди.

Қурилиш ишлари умумий хажмининг 78,2 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва корхоналарни техник қайта куроллантиришга, 21,8 фоизи эса капитал, жорий таъмирлашга ва бошқа қурилиш пудрат ишларига тўғри келди.